Ушбу сонда:
2 КАСАБА УЮШМА: БУГУН У ҚАНДАЙ БЎЛИШИ КЕРАК?
3 ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ САРИ
4 «Ишонч» фош этади ПУЛГА ТУЗОҚ ҚЎЙГАНЛАР

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ — ОЛИЙ БАХТ

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

2002 йил 15 май, чоршанба №78 (1295)

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## ЯНГИ ЎҚУВ БИНОСИ

*Қашқадарё вилоят кўзи ожиз болалар махсус интернат-мактаби ўқувчилари учун янги, замонавий қўшимча ўқув биноси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Халқаро «Меҳр лойиҳаси» ташкилотининг саъй-ҳаракати билан Голландиядаги «Велде Ханзен» хайрия ташкилоти интернат-мактаб учун 30 минг доллар ажратди. Ушбу маблағ ҳисобидан барча шароитга эга бино қад ростлади. Тақдимот маросимида «Меҳр лойиҳаси» ташкилотининг раҳбари жаноб Кейс Ван Хартен, «Умид нури» лойиҳаси раҳбари жаноб Нил Роджерс ва Халқ таълими вазирлиги ходимлари иштирок этишди.*

**(ЎзА).**

БУХОРО: РЕПРОДУКТИВ САЛОМАТЛИК

## ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК ҲАҚИДА МЕҲРИБОНЛИК

**Вазирлар Махкамасининг «Аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлиғини мустаҳкамлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорида оилаларнинг тиббий маданияти даражасини янада ошириш, аёлларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш, соғлом авлод туғилиши ва уларни тарбиялаш учун шароитлар яратишнинг асосий йўналишлари белгилаб берилган.**

*Қарор ва ижро*

Бундан олти йил муқаддам Вобкент туманида аёлларни соғломлаштириш вилоят маркази очилган эди. Ям-яшил дарахтлар ва анвойи гуллар ҳиди уфуриб турган шарқона усулда қурилган уч қаватли кўркам бинодан қарасангиз, қадимий шаҳарнинг машҳур минораси яққол кўзга ташланади. 13 нафар олий тоифали врач, 68 та ўрта махсус маълумотли тиббиёт ходими ишлаётган шифо маскани аёлларнинг репродуктив саломатлигини тиклаш йўлида намунали хизмат кўрсатмоқда.

Марказда учта бўлим мавжуд. Биттаси хўжалик ҳисобида хизмат кўрсатади. Йил давомида муқим ва кундузги бўлимларда Бухородан ташқари Қашқадарё, Навоий, Хоразм, Самарқанд вилоятларидан келган 3 мингдан ортиқ беморлар даволаниб чиқдилар.

— Асосан зурриёт ёшидаги аёлларда учрайдиган касалликларни даволаймиз, - дейди бош ҳаким Аълам Икромов. — Шифохонада бюджетдан ташқари маблағ топиш яхши йўлга қўйилган. Бултур 13,5 миллион сўм жамғарилган бўлса, бу йил 29 миллион сўмлик пуллик хизмат кўрсатиш режалаштирилган.

Шифохонада «II даражали соғлом авлод ордени» соҳиби А.Икромов, «Шуҳрат» медали соҳибаси, акушер-гинеколог Н.Пўлатова, Соғлиқни сақлаш аълочиси Ю.Тошев, ширин сўз ҳамширалар М.Ўринова, М.Шамсиевалар ўзларининг бутун билим ва тажрибалари, қалб ҳароратларини хотин-қизлар соғлиғига бағишлаганлар.

Касалхонанинг таклиф ва мулоҳазалар дафтарини варақлар экансиз, Тошкент вилоятининг Қибрай туманидан Мукаррам Қоратоева, Мўътабар Мирбобоева, Қашқадарёнинг Шаҳрисабзидан Гуландон Қудратова, Навоийдан Ойгул Юзбоева, Надежда Кувардина, Тургангул Эстонбоеваларнинг миннатдорчилик сўзларини ўқиб, кўнглингиз кўтарилади.

Шифохонадаги даволаш-профилактика ишларидан мамнун бўлган республика касаба уюшмалари Федерация Кенгаши раҳбарлари, академик С.Баҳромов, Қувайт давлатидан келган мутахассис Муршид, Олмониянинг Б.Эрэсфорд университети профессори Грэт каби ўнлаб машҳур олимлар ўз дастхатларини ёзиб қолдирганлар.

Марказда 8-14 ёшли болалар ва 15-17 ёшли ўсмирлардан 184 киши, 28 ҳафтагача ҳомиласи бор аёллардан 256 нафари даволанди.

**(Давоми 2-бетда).**





*«Тонг» акциядорлик жамияти пойтахтимиздаги илғор енгил саноат корхоналаридан бири ҳисобланади. Ҳозирда бу ерда 50 турдаги эркаклар, аёллар ва болалар учун устки кийимлар тикилади. Корхона маҳсулотлари республикамиз аҳолисига мунтазам етказиб турилади.*

*Суратларда: янги моделлар тайёрлаш цехи ходимлари Матлуба Ғуломова, Дилфуза Афзалова ва Замира Қўшарова; бичув цехи.*

**Р.ЖУМАНИЁЗОВ (ЎзА) олган суратлар.**

## «ЭКСПО ИТАЛИЯ - 2002» АРАФАСИДА

21-24 май кунлари «Ўзэкспомарказ»да Италиянинг «Интерэкспо» компанияси, ушбу мамлакатнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги билан ҳамкорликда ташкил этаётган «Экспо Италия - 2002» кўргазмаси бўлиб ўтади.

Мамлакатимизда учинчи бор ўтказилажак бу кўргазмада Италиянинг енгил саноат ҳамда қишлоқ хўжалиги соҳаларидаги корхоналари билан бирга, тери маҳсулотларини қайта ишлаш, пойафзал ишлаб чиқариш, тошга ишлов бериш, хизмат кўрсатиш, сайёҳлик борасида донг таратган фирма ва компаниялар иштирок этади. Бундан ташқари, «Экспо Италия - 2002» доирасида «Ўзинтермебел» кўргазмаси ҳам ташкил этилади. Унда Италиядан ташқари, Ўзбекистон ва Россия корхоналарида ишлаб чиқарилган замонавий мебел маҳсулотлари ҳам мижозлар эътиборига ҳавола этилади.

Тадбир олдидан ўтказилган матбуот анжуманида ташкилотчилар, кўргазма икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий ҳамкорлик алоқаларининг янада мустаҳкамланишида муҳим қадам бўлишини алоҳида таъкидлади.

**(ЎзА)**

*Тадбиркорлик давр талаби*

**«Х.Ботиржон» хусусий фирмамиз Сариосиё туманида «кўп бўшлиқли» плиталар ишлаб чиқарадиган ягона фирмадир. 2002 йилда 20 миллион сўмлик иш ҳажмини бажаришни олдимизга мақсад қилиб қўйдик.**

## БЕПУЛ ТУШЛИК

Маҳсулотларимизнинг ҳозирданоқ харидорлари сони ортиб бормоқда. Термиз шаҳридаги ҳарбий қисмлар билан шартнома тузиб, уларга 15 миллион сўмлик плиталар тайёрлаб берамиз. Тумандаги хўжалик ва ташкилотлардан ҳам буюртмалар келиб тушмоқда. Бунинг боиси, биз тайёрлаётган халқ истеъмоли моллари «Тошқурилиш» назорат бўлими томонидан сертификатланган. Айни кунларда блок ғиштлар ҳам ишлаб чиқара бошладик. Ишчиларимизнинг сони 20 нафарга етди. Уларнинг ишида унум бўлиши учун барча қулайлик ва имтиёзларни бошланғич касаба уюшмамиз қўмитаси билан қабул қилинган жамоа шартномасида кўрсатилганидек амалга оширмоқдамиз. Энг аввало, ишчиларимизга ҳар ойда 18 минг сўм атрофида ойлик маош ва вақтида 30 фоиз мукофот пулини беришни йўлга қўйганмиз.

Ишчиларимиз бепул иссиқ овқат билан таъминланган. Уларнинг ишга бориб-келишлари учун автоулов ажратилган. Фирма фойдаси ҳисобидан ишчиларимиз бепул Самарқанд - Бухоро - Хива шаҳарларига саёҳатда бўлиб қайтишди. Ишчиларимиз белгиланган жадвал асосида меҳнат таътилига чиқишиб, «Сурхон», «Жайронхон» каби сиҳатгоҳларда даволаниши учун бир ойлик маош миқдорида рағбатлантирилади. Жамоа шартномасига асосан, 2002 йилнинг 1-чорагида кунлик режаларни ошириб бажарган ишчилардан Ҳамид Қаландаров, Комил Бобомуродов, Шуҳрат Шарипов, Ботир Эшимов кабиларга алоҳида пул мукофотлари ҳамда 3 кунлик пул тўланадиган қўшимча таътил берилди.

**Мамадамин ЁҚУБОВ,**
**Сариосиё туманидаги «Х.Ботиржон» хусусий фирма раҳбари.**

## ИШ ҲАҚИ БЎЙИЧА ЖАМОАТ КОМИССИЯСИ

Фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, мулкчилик шаклларидан қатъий назар корхоналар ва ташкилотлар ходимларига иш ҳақи ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши учун хўжалик юритувчи субъектларнинг жавобгарлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси 2002 йилнинг 19 мартида «Иш ҳақи ўз вақтида тўланишига доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қарор қабул қилган эди.

Мазкур қарорда касаба уюшмаларининг тармоқ кенгашларига вазирликлар ва идоралар билан биргаликда меҳнатга ҳақ тўлашни тартибга солиш ва ўз вақтида тўланишини таъминлашда жамоа шартномаларининг, хўжалик юритувчи субъектлар бошқа меъёрий ҳужжатларининг ролини ошириш, шу билан бирга иш ҳақи ўз вақтида тўланмаганлиги учун иш берувчининг моддий жавобгарлиги чораларини белгилаш вазифалари юклатилган.

Фуқароларимиз манфаати йўлида қабул қилинган ҳукумат қарорининг бажарилиши борасида Ўзбекистон Кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касаба уюшмаси Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Жумладан, иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши устидан назорат ўрнатиш мақсадида иш ҳақи бўйича жамоат комиссияларининг фаолият механизми ишлаб чиқилди.

- Тузилажак бу комиссиялар корхона ва ташкилотларда иш ҳақининг ўз вақтида тўланишини назорат ва таҳлил қилиб боради,- деди Ўзбекистон кичик, ўрта ва хусусий тадбиркорлик ходимлари касаба уюшмаси раиси Чори Шодиев ЎзА мухбирига. - Қарздорлик бошланиши биланоқ корхона маъмурияти бу борада чора-тадбирлар кўриши зарурлиги юзасидан огоҳлантирилади. Иш ҳақидан қарздорлик бир ойлик иш ҳақидан ошган тақдирда корхона касаба уюшмаси расмий равишда юқори касаба уюшмалари қўмитасига мурожаат этади. Тақдим этилган маълумотномалар асосида иш ҳақидан қарздорлик бўйича иш берувчилар ва тадбиркорлар палатасига қарздорликни тугатиш бўйича тақдимнома киритилади.

Амалга ошириладиган бундай тадбирларга қарамай, иш ҳақидан қарздорлик муддати икки ойдан ошса, вилоят миқёсидаги касаба уюшмалари марказий қўмиталарига расмий мурожаатнома тақдим этилиб, бу қўмита ўзига берилган ҳуқуқлар доирасида чора-тадбирларни амалга оширади.

Иш ҳақидан қарздорлик уч ойдан ошган тақдирда касаба уюшмаси қўмиталари хўжалик ва фуқаролик судларига даъво аризаси билан мурожаат этади. Бундай даъво аризаларини кўриш учун кетадиган чиқим тадбиркорлар касаба уюшмаси бюджетидан қопланади.

Асосан тадбиркорлар ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси билан шуғулланувчи бу ташкилотларнинг бугунги кундаги саъй-ҳаракатлари нафақат хусусий тармоқ вакиллари, балки мамлакатимиздаги барча корхона ва ташкилотлар ходимлари меҳнатини ҳам муҳофаза қилишга қаратилган.

**Норгул АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири**

## ДЕБИТОР ҚАРЗ тараққиётга тўғаноқ

Республика миқёсидаги нуфузли йиғилишларда табиий газдан фойдаланишда баъзи истеъмолчилар, шунингдек, саноат корхоналари томонидан исрофгарчиликка йўл қўйилаётганлиги, ҳаттоки, бебаҳо ёнилғини ўғирлаш ҳоллари содир этилаётганлиги танқид остига олинганди. Буларнинг ҳаммаси фаолиятимизга танқидий нуқтаи назардан ёндошиш, ижро интизомини мустаҳкамлаш, муаммоларни жойида ҳал этиш имконини берадиган тадбирлар белгилашга даъват этди.

Корхонамиз шаҳардаги 24 минг хонадон ва 673 та ташкилотга газ етказиб беради. Хизмат кўрсатишни тобора яхшилашга ҳаракат қиляпмиз. Шу йилнинг биринчи чорагида 849 метр масофага қувурларни ўз кучимиз билан ўтказдик. «Иттифоқ» маҳалласидаги 80 та янги хонадон ҳам зангори оловдан баҳраманд бўлди. 20 километр масофадаги қувурлар эса ҳозирда таъмирдан чиқарилмоқда.

Шаҳримизда 32 та маҳалла бўлиб, уларнинг аҳолиси билан ҳамкорлик яхши йўлга қўйилган. Икки томонлама саъй-ҳаракат туфайли аҳолининг тўлов қарзлари анча камайди. Бу ишда «Халқобод», «Сўлоқли» каби 16 та маҳалла фуқаролари йиғинлари фаоллик кўрсатишди. Бироқ, «Хайробод», «Сайилжойи» ва «Сангзор» маҳаллалари бўйича кўрсаткич кўнгилдагидек эмас. Шаҳардаги 400 та хонадон соҳибларининг тўловлардан қарзи ўрта ҳисобда 30 минг сўмни ташкил этаяпти. Ноилож улар шаҳар фуқаролик ишлари судига берилди.

Равшанки, газ ҳисоблаш асбоблари ўрнатган хонадон, корхона ютади. Аҳолига бу афзалликни кенг тушунтираяпмиз. Бир нарса кишини ўйлантиради: омма ўртасида тарғибот-ташвиқот ишлари олиб борилаётганлиги, матбуот орқали чиқишлар қилинаётганлигига қарамай зангори оловдан ноқонуний тарзда фойдаланувчилар ҳамон учраб турибди. Масалан, «Қипчоқ» маҳалласида истиқомат қилувчи фуқаро М.Турсунқулов пинҳона оҳак цехи қуриб, ойига 200 кубометр газни яширинча ишлатиб келган. Унга нисбатан жарима қўлланилди. Шунингдек, Бобур маҳалласидаги А.Шойзоқовга қарашли ошхонада ортиқча қозонхона ўрнатилиб, газдан яширинча фойдаланилган. Бундай мисолларни яна келтириш мумкин. Фикримизча, ҳар бир маҳалла, меҳнат жамоасида ўзаро талабчанлик, камчиликларга, эгри ишларга муросасизлик муҳитини мустаҳкам қарор топтиришимиз лозим. Шундагина, бебаҳо бойлигимиз бўлмиш газдан тежаб фойдаланиш, дебитор қарзларга барҳам бериш имконияти яратилади.

**О.ХЎЖАЕВ,**
**Жиззах шаҳар «Газтаъминот» бўлими бошлиғи.**

## САЙЁРАМИЗ САДОСИ

### ВАЗИРЛАР ҲУКМИГА ҲАВОЛА

Оврўпо Иттифоқига аъзо давлатларнинг ташқи ишлар вазирлари Бельгия пойтахти Брюсселда тўпландилар. Уларнинг бу галги мулоқотлари ўзига хос эди. Маълумки, бундан бир неча кун муқаддам Кипрга фаластинликлардан 13 нафар киши келтирилган бўлиб, уларнинг тақдирини ҳал этиш лозим эди. Гап шундаки, ушбу бадарға қилинган кишилар бошқа мамлакатларга жўнатилиши лозим эди. Бундай ҳукмни чиқариш Оврўпо Иттифоқига аъзо давлатлар ташқи ишлар вазирлари зиммасига юкланди. Шу орада Испания, Греция, Люксембург сингари давлатлар мазкур шахсларни қабул қилишга тайёр эканликларини билдирдилар. Брюссел анжуманининг қарори бугун-эрта маълум бўлади.

### БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ

Стратегик ҳужум қуролларини қисқартириш муаммоси айни пайтда энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади. Бу борада АҚШ билан Россия ўртасида турли даражада неча бор музокаралар олиб борилди. Куни кеча эса Россия президенти В.Путин ҳамда АҚШ президенти Ж.Буш мазкур чигал муаммо хусусида бир тўхтамга келганликларини маълум қилдилар. Охирги келишув шу бўлдики, стратегик ҳужум аслаҳалари тоифасига кирадиган ракеталар 2 минг донагача камайтирилади. Уларга қўйилган ядровий каллаклар эса босқичма-босқич йўқ қилинади.

### НОХУШ САЁҲАТ

Фаластин миллий мухторияти раҳбари Ёсир Арофат ўзининг Рамаллоҳ шаҳридаги қароргоҳидан озод қилингач, биринчи марта мухторият ҳудудидаги шаҳарларни кўришга отланди. У дастлаб Вифлеем шаҳрига ташриф буюрди. Ундан кейин Наблус, Жинин шаҳарларига қадам ранжида қилди. Мазкур жойлардаги вайроналиклар манзараси Ё.Арофатда нохуш таассурот уйғотди.

Шу орада бош вазир А.Шарон бошлиқ «Ликуд» партиясининг кўпчилик аъзолари ўз йиғилишларида Фаластин мустақил давлатини ташкил этиш тўғрисидаги ғояга қатъий қарши чиқдилар. Бундай нуқтаи назар икки ўртадаги муносабатларни яхшилашга асло хизмат қилмаслигини англаган А.Шарон иккиланиб қолди. Ё.Арофат эса Исроил томонини илгари имзо чекилган Осло шартномасига риоя қилмасликда айблади.

### 43 ЙИЛДАН СЎНГ

АҚШнинг собиқ президенти Жимми Картер душанба куни Кубага ташриф буюрди. Куба раҳбари Фидель Кастро тайёрагоҳда самолёт трапи олдида Ж.Картер ва унинг рафиқасини илиқ кутиб олди. АҚШнинг собиқ президенти дастлабки мулоқотларда журналистларга бу ерга Куба халқининг дўсти сифатида келганлигини қайд этди. Ўз навбатида Ф.Кастро меҳмоннинг хоҳлаган жойига бориши ва хоҳлаган кишиси билан суҳбатлашиши мумкинлигини билдирди.

Жаҳон оммавий ахборот воситалари шарҳчилари 43 йилдан сўнг Американинг юқори мартабали арбобларидан бири бўлган Жимми Картернинг Кубага ташрифидан асосий мақсад АҚШ ва Куба муносабатларини яхшилаш эканлигини таъкидламоқдалар.

### МИШ-МИШ ТЎҒРИ ЧИҚДИ

Бундан бир неча кун муқаддам Чеченистон жангариларининг «машҳур» қўмондонларидан бири Шомил Басаевнинг ўлдирилганлиги ҳақида гап-сўзлар тарқалган эди. Бу овозага кимдир ишониб, кимдир гумон билан қараган эди. Лекин, куни кеча Россиянинг Шимолий Кавказ ҳарбий округи қўмондони генерал Геннадий Трошин оммавий ахборот воситалари вакиллари олдида сўзга чиқиб, Ш.Басаевнинг йўқ қилинганлиги тўғрисида аниқ далилларга эга эканлигини айтди. Бу ҳақда ҳеч қандай гумонга ўрин йўқ, деди қўмондон.

### АНТИҚА МУШУК

Россиянинг Калининград шаҳрида истиқомат қилувчи Султоновлар оиласида, мана саккиз йилдирки, Чарльз номли мушук яшаб келмоқда. Кўринишидан оддий мушук, наслдошларига ўхшаб у ҳам одамларнинг силашини, ғуслхонада чўмилишни ва болалар билан ўйнашни яхши кўради. Лекин, қизиғи шундаки, унинг вазни 25 килограмм бўлиб, ҳамма ҳам уни бирдан кўтара олмайди. Бироқ, Чарльз кўп овқат емайди: 70 грамм янги гўшт ёхуд икки дона ўртача балиқ унга бир кунга етарли бўлади.

**Интернет ва жаҳон оммавий ахборот воситалари хабарлари асосида тайёрланди.**

# ДЕМОКРАТИК ҲУҚУҚИЙ ДАВЛАТ САРИ

***Сўнгги ойларда таҳририятимизга келаётган хатлар сони сезиларли даражада ортди. Турли касб эгалари — меҳнаткашлар ўз мактубларида «Ҳуқуқий маслаҳатхона» рукни остида берилаётган мутахассисларнинг жавоблари уларга ҳақ-ҳуқуқларини таниш, ҳуқуқий саводхонликни ошириш, бозор муаммоларини ҳал этишда катта ёрдам бераётганлигини алоҳида таъкидламоқдалар. Айни пайтда «Ҳуқуқий маслаҳатхона»ни янада фойдали, изчил бўлишини таъминлашга хизмат қилувчи қимматли таклифларни илгари суришмоқда. Биз уларнинг хоҳиш-истакларини алоҳида инобатга олдик.***

Ангрен шаҳар давлат солиқ инспекцияси ходимлари аҳоли ўртасида солиқларнинг аҳамияти тўғрисида кенг тушунтириш ишлари олиб бормоқдалар. Бунда улар ҳаётдан олинган мисоллар, адабиётлардан унумли фойдаланишмоқда.



***Суратда:** соҳа ходими А.Худойназаров тадбиркор Қ.Исроиловага уни қизиқтирган масалалар юзасидан тушунча бермоқда.*

**Ғ.ХИДИРОВ олган сурат.**

## ҚИСҚАРТИРИЛГАН ВАҚТДАН КИМЛАР ФОЙДАЛАНАДИ?

### Саволингизга ҳуқуқшунос Карим МУХТОРОВ жавоб беради

**САВОЛ:** ***Қонунчиликда қайси ходимларга қисқартирилган иш вақти жорий қилинади ва уларга иш ҳақи тўлашда чеклашлар борми? Агар қисқартирилган иш вақтига риоя қилинмасдан ходим ишга жалб қилинса, қандай оқибатлар келиб чиқади?***

**А.ҲАСАНОВА,**
**Фарғона шаҳри, тиббиёт ходими.**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 115-моддасига мувофиқ ҳар бир ходим учун иш вақтининг нормал муддати ҳафтасига қирқ соат қилиб белгиланган.

Олти кунлик иш ҳафтасида ҳар кунги ишнинг муддати етти соатдан, беш кунлик иш ҳафтасида эса саккиз соатдан ортиқ бўлмаслиги зарур.

Меҳнат Кодексининг 117-, 118-, 220-, 228- ва 242-моддаларида кўрсатиб ўтилган айрим тоифадаги ходимлар учун уларнинг ёши, соғлиғи ҳолати, меҳнат шартлари ва вазифаларининг ўзига хос хусусиятлари ва бошқа ҳолатларни инобатга олиб, меҳнат тўғрисидаги қонунлар, бошқа норматив ҳужжатлар, шунингдек, меҳнат шартномаси ва жамоа шартномаси шартларига биноан меҳнатга тўланадиган ҳақни камайтирмасдан, иш вақтининг қисқартирилган муддати белгиланади.

Иш вақтининг қисқартирилган муддати қуйидаги ходимларга қонун билан белгиланади:

— ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган ходимларга ҳафтасига ўттиз олти соатдан, ўн тўртдан ўн олти ёшгача бўлганлар учун ҳафтасига йигирма тўрт соатдан ошмайдиган;

— I ва II-гуруҳ ногирони бўлган ходимларга ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган;

— меҳнат шароити ноқулай ва ўзига хос ишларда банд бўлганлар учун ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган иш вақти мутахассиснинг буйруғи билан белгилаб қўйилиши ва ходим буйруқ билан имзо чектириб таништирилиши шарт.

Ўзбекистон Республикасининг «Аёллар йили» муносабати билан 1999 йилнинг 14 апрелида қабул қилинган Қонунига асосан уч ёшга тўлмаган фарзанди бор, бюджет ҳисобидан молиявий жиҳатдан таъминланадиган муассасаларда ишлаётган аёлларга иш ҳақи тўлиқ сақланган ҳолда ҳафтасига ўттиз беш соатдан ошмайдиган қисқартирилган иш вақти белгиланади. Бу Қонун молиявий жиҳатдан бюджет ҳисобидан таъминланадиган барча муассасаларга тааллуқлидир, шу жумладан, тиббиёт муассасаларига ҳам.

Меҳнат Кодексининг 118-моддасида юқори даражадаги ҳиссаяжон, ақлий зўриқиш, асаб танглиги билан боғлиқ, яъни алоҳида тусга эга бўлган ишлардаги айрим ходимлар учун (тиббиёт ходимлари, педагоглар ва бошқалар) иш вақтининг муддати ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган қилиб белгиланган. Лекин тиббиёт ходимларига ҳафтасига ўттиз олти соатли иш вақти ўрнатишда кўп мунозараларга дуч келинди. Шу сабабли Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш ходимлари касаба уюшма Марказий қўмитаси бу саволларга аниқлик киритиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судига хат билан мурожаат қилди. Конституциявий суд бу масалани ўз йиғилишида кўриб чиқиб, 1998 йилнинг 12 мартида тиббиёт ходимлари учун иш вақти ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмаслиги тўғрисида қарор қабул қилди. Барча тиббиёт ходимларига тўлиқ иш ҳақи сақланган ҳолда ҳафтасига ўттиз олти соатли иш вақти белгиланганлиги тўғрисида Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 1998 йилнинг 24 мартидаги 131-сон буйруғи чиқарилган.

Шуни ҳам эслатиб ўтиш зарурки, Ўзбекистон Меҳнат вазирлиги томонидан жорий йил учун иш вақтининг муддатлари (40 ҳамда 36 соатли иш ҳафтаси ва бошқалар) тасдиқланган. Масалан, ҳафтада ўттиз олти соатдан ишлаши зарур бўлган ходимлар учун январда -156 соат, февралда -137, мартда -142, апрелда -156, майда - 155, июнда -150, июлда -162, августда -161, сентябрда -149 соат ва ҳоказо қилиб белгиланган.

Жойлардаги текширишлар натижасида муассасаларда қонунларда белгиланган қисқартирилган иш вақти ходимларга ўрнатилмаган. Оқибатда ходимлар белгиланган иш вақтидан ортиқча ишларга жалб қилинмоқда.

Бундай ҳолларда иш берувчи Меҳнат Кодексининг 157-моддасига асосан иш вақтидан ташқари ишлар учун ходимга камида икки ҳисса миқдорида ҳақ тўлаши шарт.

Ходимнинг илтимосига биноан иш вақтидан ташқари меҳнат учун белгиланган вақтдан ташқари бажарилган иш соатларига тенг келадиган миқдорда отгул (дам олиш вақти) берилиши ҳам мумкин. Иш вақтидан ташқари фаолияти учун бошқа дам олиш куни берилган тақдирда, бундай ишлар учун камида бир ҳисса миқдорида ҳақ тўланиши керак.

Меҳнат Кодексининг 125-моддасига биноан иш вақтидан ташқари ишнинг муддати ҳар бир ходим учун сурункасига икки кун давомида тўрт соатдан ва йилига 120 соатдан ортиқ бўлмаслиги лозим.

Шу сабабли юқорида кўрсатиб ўтилган ходимларга буйруқ билан қисқартирилган иш вақти ўрнатилиши ва бу буйруқ билан ана ўша ходимнинг ўзи, бўлим бошлиқлари, иш вақти табелини олиб борувчи ходим, ҳисобчи албатта имзо чектириб таништирилган бўлиши, қонун талаблари бузилганда айбдор бўлган шахсга иш берувчи томонидан Меҳнат Кодексининг 181 ва 182-моддаларига амал қилинган ҳолда интизомий жазо чораси қўлланиши ҳамда жамоа ўртасида муҳокама қилиниши зарур.

Муассасанинг касаба уюшма қўмитаси фаоллари муассасада ва қонунчиликда ўрнатилган иш вақти муддатларига тўлиқ амал қилинишини ва иш вақтидан ташқари фаолият учун ўз вақтида компенсация берилишини доимий назорат қилиб боришлари зарур.

## ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНА





## ИККИНЧИ ГУРУҲ НОГИРОНИГА ТЕГИШЛИ

### Саволларингизга ТДЮИ хўжалик ва меҳнат ҳуқуқи кафедрасининг ўқитувчиси Гулноза САТТОРОВА жавоб беради

**САВОЛ:** ***мен II гуруҳ ногирониман. Ўзим юролмайман. ТМЭК комиссиясига аравача сўраб мурожаат қилган эдим, рад жавобини олдим. Шу тўғрими? Менга фойдаланиш харажатлари, коммунал хизматлари, телефон учун ҳақ тўлашда имтиёзлар борми?***

**Суюн БОБОМУРОДОВ,**
**Шаҳрисабз тумани.**

**ЖАВОБ:** Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 17 июлдаги «Ўзбекистон Республикасида ногиронларнинг ижтимоий ҳимояси масалалари» тўғрисидаги 328-сонли Қарори билан «Ногиронликни белгилаш кўрсатмалари рўйхати» тасдиқланган. Ушбу рўйхатнинг «Ижтимоий ёрдам турлари ва уларни кўрсатиш заруриятига олиб келадиган касалликлар, шикастланишлар ва нуқсонлар оқибатлари рўйхати»нинг III бўлими «а» ва «б» бандларига кўра ногирон ҳаракат воситасига, шу жумладан, аравачага муҳтожлиги ҳақида ТМЭК хулосаси барча турдаги шикастланиш туфайли иккала оёқ ёки қўл-оёқ фалаж ёки ярим фалаж ҳолатида ёхуд оёқлари чўлоқ ҳолатидалиги асосида берилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 17 апрелдаги 2832-сонли «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида»ги Фармони билан тасдиқланган «Уй-жой коммунал хизматларига ҳақ тўлаш бўйича имтиёзлар бериладиган шахслар тоифаларининг рўйхатига кўра, ёлғиз пенсионерлар, шу жумладан, ўзгалар қарамоғига муҳтож бўлган ногиронлар сув таъминоти, канализация, иситиш, газ ва электр энергия учун ҳақ тўлашдан ва фойдаланиш харажатларидан (уй-жой умумий майдонининг ижтимоий нормаси доирасида) озод қилинадилар. II гуруҳ ногиронининг ёлғиз пенсионерлар тоифасига тааллуқлилигини ва яшаш учун маблағ манбаи йўқлигини ижтимоий таъминот бўлими томонидан, ўзгалар ёрдамига муҳтожлиги эса даволаш муассасаси томонидан белгиланади.

II гуруҳ ногиронлари телефон учун 50 фоизли абонент ҳақи тўлашда имтиёзга эга эмаслар. Бироқ I гуруҳ ногиронлари бу имтиёздан фойдаланишга ҳақлилар.

Маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органи ходимлари сизга нисбатан ҳуқуқингизни камситган ҳолда ноқонуний ҳаракат қилишган бўлса, 1994 йил 6 майдаги Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг мурожаатлари тўғрисида»ги Қонуннинг 1- ва 8-моддаларига мувофиқ, тегишли муассасалар устидан ҳуқуқ ва манфаатларингизни ҳимоялаб, юқори турувчи орган, яъни ҳокимиятга, «Маҳалла» жамғармасига ёки судга мурожаат қилишингиз мумкин.

**САВОЛ:** ***II гуруҳ ногирониман. Уйимни хусусийлаштириб олганман. Уй-жой мулкдорлари ширкати томонидан таъмирлаш ишлари бўйича менга қандай ёрдам берилиши керак? Хонадоним хусусий бўлганлиги сабабли хонадон ҳаққини тўламаслигим мумкинми?***

**Абдураззоқ УМИРЗОҚОВ,**
**Бекобод тумани, Зафар қўрғони, Гагарин кўча, 6-уй 1-хонадон.**

**ЖАВОБ:** 1999 йилда қабул қилинган Уй-жой кодексининг 138-моддасига биноан, хусусий мулк бўлган, шу жумладан, кўп хонали (квартирали) уйлар, турар-жойлардан фойдаланиш ва уларни таъмирлашга кетган харажатлар мулкдорнинг маблағлари ҳисобидан таъминланади. Бу масалада эса ёрдам сўраб маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органига мурожаат қилсангиз бўлади.

Уй-жой кодексининг 132-моддасига кўра, кўп хонали уйлардаги хусусийлаштирилган уй-жой биноларининг мулкдорлари эгаллаб турган умумий майдонга мутаносиб равишда хусусийлаштирилган квартирага техник хизмат кўрсатиш учун тузилган шартномада қатнашадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 18 апрелдаги «Аҳолига коммунал хизмат кўрсатишни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги 178-сонли Қарори билан «Турар-жойнинг умумий фойдаланиладиган жойларига техник хизмат кўрсатиш бўйича намунавий шартнома (контракт) тасдиқланган. Ушбу шартнома шартларига биноан «буюртмачи» бўлган хонадон эгалари ўз зиммасига фойдаланиш харажатлари ва коммунал хизматлар учун ҳақ тўлаш мажбуриятларини олади. Сиз тўлаётган 50 фоизли, яъни имтиёзли «хонадон ҳақи» аслида техник хизмат кўрсатиладиган умумий фойдаланиладиган объектлар учун тўланадиган ҳақдир (яъни, фойдаланиш харажатлари).

Техник хизмат кўрсатиладиган умумий фойдаланиш объектларига: том, йўлаклар, лифт хўжалиги, техник ертўлалар, биттадан ортиқ квартирага хизмат кўрсатувчи муҳандислик техник асбоб-ускуналар ва тармоқлар киради.

Фойдаланиш харажатлари ҳамда коммунал хизмат ҳақлари турли хил бўлиб, улар алоҳида-алоҳида тўланади ва бир-бирини қоплаёлмайди.

## ИМТИЁЗЛИ ПЕНСИЯ олишим мумкинми?

### Саволларингизга ҳуқуқшунос Гулнора МУРОДОВА жавоб беради

**САВОЛ: Ёшим 55 да, 30 йилдан бери тиббиёт соҳасида турли техник аппаратуралар бўйича мутахассис бўлиб ишлаб келмоқдаман. Имтиёзли пенсияга чиқишим мумкинми?**

**Турсунбой ЎРОҚОВ,**
**Нукус шаҳри, 23-даҳа, 1/23 уй.**

**ЖАВОБ:** Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 12 майдаги 250-сонли Қарори билан ёшга доир имтиёзли шартларда пенсия олиш ҳуқуқини берадиган ишлаб чиқаришлар, муассасалар, ишлар, касблар, лавозимлар ва кўрсаткичларнинг 1-, 2- ва 3-рўйхатлари тасдиқланган.

«Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуннинг 12-моддаси «л» бандида шифокорлар ва бошқа тиббий ходимларнинг махсус иш стажи қишлоқ жойида камида 25 йил ва шаҳарларда камида 30 йил бўлган тақдирда эркаклар 55 ёшдан, аёллар 50 ёшдан имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар. Бу эса юқорида айтиб ўтилган 3-рўйхатнинг VIII қисмида кўрсатилган бўлиб, ушбу рўйхатда Сиз хатингизда келтирган электро-механик, инженер-техник лавозимлари эътиборга олинмаган. Лекин юқоридаги қонуннинг 12-моддаси «б» бандига мувофиқ меҳнат шароити зарарли ва оғир ишларда тўлиқ иш куни давомида банд бўлган ходимлар таркиби ҳам 3-рўйхатнинг XXXIV қисми, яъни умумий касбларнинг 1753-сонида белгиланган бўлиб, унга кўра УКВ, УВЧ, СВЧ — нурланиш аппаратларида тўлиқ иш куни давомида банд бўлган, нурланишдан сақланиш учун махсус ҳимоядан мажбурий фойдаланиши зарур бўлган ишчи ва хизматчилар ҳам эркаклар иш стажи камида 25 йил, бундан ярми, яъни 12 йилу 6 ой кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда, аёллар эса иш стажи камида 20 йил бўлиб, бундан камида 10 йили кўрсатиб ўтилган ишларга тўғри келган тақдирда умумий белгиланган ёшни 5 йилга қисқартирилган ҳолда имтиёзли пенсия олиш ҳуқуқига эга бўладилар.

Шуни айтиш жоизки, юқоридаги нурланиш аппаратураларида ходимларни ишлатиш учун корхонада шу иш ўринларига махсус аттестация ўтказилиши ҳамда имтиёзли пенсия тайинланиши учун ушбу аттестация комиссиялари томонидан ходим ҳақиқатда ушбу ишда кун давомида банд бўлганлигини ва ушбу иш ходимнинг соғлиғига зарар келтириши мумкинлиги тўғрисида имтиёзли маълумотнома ижтимоий таъминот бўлимига тақдим этилиши керак бўлади. Агар ушбу маълумотнома Сиз ишлаган корхонадан берилмаган бўлса, демак, бажариб келган иш вазифангиз меҳнат шароити зарарли ҳисобланмайди.

**САВОЛ: Бир неча йиллар давомида қурилиш соҳасида пайвандчи (сваркачи) бўлиб меҳнат қилганман. Ҳозир саломатлигим яхши эмас. Амалдаги қонунларимизга кўра мен касб касаллиги бўйича ногиронликка чиқишим мумкинми? Қайси касалликлар касб касаллигига киради?**

**Эшмурод ОҚБЎТАЕВ,**
**Узун туманидаги «Хурсанд» ширкат хўжалиги.**

**ЖАВОБ:** Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 11 майдаги 249-сонли Қарорининг 6-иловасида касб касалликларининг рўйхати тасдиқланган.

Касб касалликлари рўйхатига айнан маълум бўлган ишлардаги махсус касалликларга, шунингдек, бошқа шароитдагига нисбатан худди шу ишга маълум зарар билан боғлиқ бўлган касалликлар киритилган.

Бу касалликлар қуйидаги бўлимларга бўлинади:

заҳарли кимёвий моддалар;

саноат аэрозомлари ва чанглари таъсирида;

физик таъсирлар натижасида пайдо бўладиган касалликлар;

алоҳида аъзолар ва тизимларнинг жисмоний зўриқиши ва толиқиши сабабли;

биологик омиллар натижасида;

кимёвий синтетик моддалар (шу жумладан, пестицидлар), дори-дармонлар, вакциналар, биология табиати моддалари, ўсимлик ва ҳайвонот чанглари;

иш жойида концероген моддалар таъсирида пайдо бўладиган хасталиклар.

Юқорида айтиб ўтилган касалликлар ҳар бирининг бир нечта турлари мавжуд бўлиб, буларни фақат шифокорлар аниқлашлари мумкин.

Касбий касалликка нафақат рўйхатда кўрсатилганлари, балки уларнинг қолдиқлари ва асоратлари ҳам киради. Рўйхатда маълум зарарнинг таъсир қиладиган шароитда қанча ишлаш кераклиги ҳақида ҳеч қандай талаб йўқ. У ёки бу касалликнинг касбга боғлиқ эканлигини Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 23 июндаги 317-сонли Қарори билан тасдиқланган Низом асосида ишловчи махсус тузиладиган тиббий-меҳнат экспертиза комиссиялари ҳал қиладилар.

## ШИРКАТ ХЎЖАЛИГИДАГИ УЛУШИМ ҚАНДАЙ БЎЛАДИ?

### Саволингизга мутахассис Маҳмуджон ИСАЕВ жавоб беради

**САВОЛ: Кўпгина жамоа ва давлат хўжаликлари ширкат хўжалигига айлантирилган. Демак, ширкатга қарашли барча мол-мулк ва ашёлар ширкат аъзоларининг умумий мулки ҳисобланади. Мен бир неча йил ширкат хўжалигида ишладим. Ҳозир бошқа ерга ишга ўтганман.**

**Шу сабабли ширкат мулкидан ўзимга тегишли бўлган қисмини қандай қилиб олишим мумкин?**

**Э.САРИЕВ,**
**Қўшработ тумани, Ғ.Ғулом кўчаси 51-уй.**

**ЖАВОБ:** «Қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги) тўғрисида»ги Қонунга биноан ширкат хўжалигининг Устав жамғармаси икки қисмдан иборат бўлиб, унинг бир қисми бўлинмас жамғарма, иккинчиси эса — пайчилик жамғармасидир. Пайчилик жамғармаси ширкат аъзоларининг мулкий улушлари пайлардан таркиб топади. Амалдаги қонун ҳужжатларига биноан агар аъзо ширкатдан фермер хўжалигини ташкил этиш ёки бошқа ширкатга ўтиш мақсадида чиқса, унга унинг улуши томонлар ўзаро келишиб олган тартибда ажратиб берилади. Вафот этган ширкат аъзосининг меросхўрлари унинг улушини олиш ёки ширкатга аъзо бўлиш ҳуқуқига эгадирлар. Ширкат хўжалиги тугатилаётганда унинг барча аъзоларига ўз улушларига даъво қилиш ҳуқуқи берилган.

# ЭЛ НЕТИБ ТОПҒАЙ МЕНИКИМ...

## ОҚИБАТ ИШҚ АЙЛАДИ ШАЙДО МЕНИ....

Муҳаммад алайҳиссалом бир дарвеш шоирнинг шеърини севиб, ёд айтар эканлар. Саҳобалар сўрашибди: «Қандайдир бир дарвеш шоирнинг сўзлари сизга муносибми?» Расулуллоҳ жавоб берибдилар: «Дарвешлар Аллоҳнинг дўстларидир, бу шоирни Ҳақ таоло сийлаган!»

Дарвеш — зоҳирда бечора, афтодаҳол кўринса-да, ботинда маъно оламининг султони. Чунки у Ҳақ ошиғи, Ҳақ йўлида ўзидан ҳам, дунёдан ҳам кечган зот. Қалби илоҳий маърифатга кон, ғайбий асрорлардан воқиф. Шунинг учун ҳам дарвешлар суҳбатига етишиш, уларнинг остонасини зиёрат қилиш, хоки пойини тавоф этиш руҳий-маънавий покланиш воситаси ҳисобланган.

Алишер Навоий наздида дарвеш — етук илму донишни эзгу хулқу одоб билан омухта қилган комил инсон тимсоли, камтарлик, хоксорлик, мулойимлик, хушфеъллик, олижаноблик, сабр-қаноат, саховат, жўмардлик, қўйингки, барча эзгу инсоний олий фазилатлар соҳиби. Дарвешликни мукаммал ахлоқ эгаси бўлиш деб билгани учун ҳам шоир барчанинг дарвешлик хислатидан озми-кўпми баҳраманд бўлишини истайди. Бу хислатни ўзида мужассам этганлиги учун ҳам Султон Ҳусайн Бойқарони сувратда подшоҳ, сийратда дарвеш, шоҳлар дарвешию дарвешлар шоҳи, деб улуғлайди.

Алишер Навоий «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида Мавлоно Ашраф, Мавлоно Яҳё Себак, Мавлоно Маҳрамий, Мавлоно Сафий, Яъқуб Мирзо каби 40 дан ортиқ «дарвешваш», «фақиршева» ва «фонийсифат» шоирларни алоҳида ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олади. Чунончи, машҳур муаррих Давлатшоҳ Самарқандийни «Амир Давлатшоҳ хуштабъ ва дарвешваш ва кўп салоҳиятлиғ йигитдур», — деб таърифласа, дилбар шоир Атойини «дарвешваш ва хушхулқ киши эрди», — деб мақтайди. Ёхуд малик ул-калом Лутфий хусусида гапирар экан: «Бу фақир борасида кўп фотиҳалар ўқубдур. Умид улким, чун дарвеш киши эрди, баъзи мустажоб бўлмиш бўлғай», — деб ёзади.

Дарвеш номи ёки тахаллусига эга шоирларнинг кўпчилиги ҳам бу тоифанинг ўша даврда нақадар баланд мақомда бўлганлигини кўрсатади. Жумладан, «Мажолис ун-нафоис»да Дарвеш Мансур, Дарвешбек, Паҳлавон Дарвеш Муҳаммад, Мавлоно Дарвеш Деҳакий каби 11 нафар шоирнинг ижодидан намуналар берилган.




Навоийнинг ўзи ҳам дарвештабиат инсон бўлган, тўғрироғи, дарвешлик унинг қонида бор эди. У ўз ҳаёти давомида уч марта дарвешликка чинакамига майл этади. Бундай иштиёқ дастлаб ёш Алишер Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» достони мутолаасига қаттиқ берилиб, дунёни унутар даражасига етгани, узлатни орзу қилганида, яъни одамларга қўшилмай, чекка-чеккаларда буюк шоир таъсирида юрган кезларида бўй кўрсатган эди. Ўзининг бу ҳолатини «Лисон ут-тайр» достонида шоир шундай ифодалайди:

***Ўйлаким, элдин узулди улфатим,***
***Ул китоб эрди аниси хилватим.***
***Халқ расми сўзларидин қилу қол —***
***Ўтса табъимға етар эрди малол.***
***Оқибат ишқ айлади шайдо мени,***
***Ўйла машъуф этти бу савдо мени, —***
***Ким дедим узлат эшигин очқамен,***
***Даҳри бемаъни элидин қочқамен.***

Иккинчи марта йигитлик айёмида дарвешликка қаттиқ жидду жаҳд кўргизади. Машҳур муаррих Хондамирнинг гувоҳлик беришича, у «Ёшлик ва йигитлик замонида доимо дарвешлар суҳбатининг талабгори эди, имкон борича бу олий макон гуруҳга ихлос ва муридлик қадами билан мулозамат қиларди. Бир қанча вақт алоқа ипини узиб, табаррук жой бўлган «Работи Суҳайл»да турди. Халқ билан аралашишдан этак йиғиштириб, файзли вақтларини ибодат ва риёзат аҳллари билан ўтказди. Мамлакат жилови Султони соҳибқироннинг иқтидорли қўлига ўтгандан кейин ҳидоят ва иршод нурларининг манбаи бўлган зотнинг ота-боболари бу адолатли подшоҳ яқинлари жумласидан бўлганликларидан, ул ҳазратни ниҳоятсиз иноят назарлари остига олиб, олий мансабларни қабул қилиш ва давлатни бошқариш ишларига таклиф этди. Ҳидоят йўлидаги Амирнинг хотири шарифи фақр ва фано йўлини ушлашга мойил бўлганликдан, ҳарчанд бу машғулотга киришишдан бош тортса ҳам Султон соҳибқирон қаттиқ қисташни orттира берди...».

Навоийнинг мартаба ва нуфузи орта борсада, у сира кибру ҳавога берилмади. Аксинча, ўз хулқини тарбиялаш, хоксорлик ва тавозеъни ҳадди аълосига етказиш пайидан бўлди. Бу ҳақда Хондамир шундай ёзади: «Худога шукурки, соф кўнгил, ҳашамат эгаси, тадбирли, нафсий камолотнинг мазҳари, ҳазрат султоннинг яқин дўсти Амир куч ва тоқати етганча бу яхши сифат ва маъқул одатни ўзлаштиришга уринарди.

Имкон борича номувофиқ ва ёқимсиз феъл-атвор ва ҳаракатлардан ўзини сақлар ва четлашарди. Тавозеъ шариф зотига сингишган ва лутф-марҳамат латиф мижозига ўрнашган эди. Мартаба ва улуғликнинг дастлабки давридан ва давлат иқболининг аввалги пайтидан бошлаб ҳарчанд ҳидоят шиорли Амирнинг ҳашамат ва эътибор байроғи юксала борса-да, тавозеъ ва камтарлиги ортгандан-орта борди. Ҳарчандки, бу саодатли зотнинг шавкат ва ихтиёр ниҳоли кўтарила борган сари шикастнафслик ва фонийликка кўпдан-кўп уриниб, ўзини паст тутиш ва арзимасликдан дам урарди. Ҳар қачон подшоҳи соҳибқирон ўз ҳолига бирин-кетин иноят ва марҳамат кўрган сари хилват жойга борар, бош яланғочлаб, бир миқдор тупроқни бош устига сочар ва азиз нафсига ундаб айтардики, дунё мартаба ва ҳашаматларининг эътибори йўқ, зинҳор бу мартабаларнинг қўлга киришини худбинлик ва такаббурга сабабчи қилма, ўзингни тупроққа тенг тутиб, мумкин қадар фуқаро ва мискинлар ишини ҳал қилишга урин».

Учинчи марта умрининг охирида дарвешликка майл қилади: ўз ихтиёрига кўра машҳур тасаввуф шайхи, пири Ҳирот Абдуллоҳ Ансорий мозори жорубкашлиги мансабига тайинланади. «Шундан сўнг ул сўфий сифат, пок кўнгил амир она Ватанига борди. Ҳиротнинг барча улуғ саййидлари, муҳтарам шайхлари, соф кўнгиллик уламо ва фузалоси тез-тез пок қалблари Амирнинг уйига келиб турдилар. Сўнг Ҳиротнинг улуғ саййидлари ва шайхлари учун Гозургоҳнинг файзасарлик мозори тепасида катта ош берди ва улардан дарвешлик йўлида кун кечириши бобида дуо сўради ва бор ҳимматини Хожа Абдуллоҳ Ансорийнинг мозорини обод қилишга сарфлаб, ўша руҳни орттирувчи мақомнинг ходимлари, сахобалари ва арбобларига инъому эҳсонлар кўрсатиб, ул беҳиштнишон равзанинг дарвешлари ҳамда мужовирларнинг рутбасини зиёда қилдилар», — деб ёзади таниқли муаррих Мирхонд «Равзат ус-сафо» асарида.

Сўфий-дарвешларга муҳаббат ва эътиқод Алишер Навоийнинг бутун умри давомида сўнмаган ва шоир асарларида ориф дарвешларнинг юксак мақоми, уларнинг гўзал хулқу хислатлари ҳассос бир эҳтиром билан куйланган.

**Эргаш ОЧИЛОВ,**
**филология фанлари номзоди.**

# ҒОЛИБЛАР САФИ КЕНГАЯДИ

Пойтахтдаги «Олимпия шон-шуҳрат музейи»да Фарғонада бўлиб ўтган умумтаълим мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари» спорт ўйинлари якунига доир ҳамда Бухорода ўтказиладиган «Универсиада—2002» баҳсларига тайёргарлик ишлари юзасидан матбуот анжумани ўтказилди.

*Универсиада — 2002*

Фарғонада бўлиб ўтган мусобақа якунлари ҳар жиҳатдан таҳлил қилиниб, уларни халққа етказиб беришда оммавий ахборот воситалари ходимларининг хизмати катталиги таъкидланди.

Бу йил иккинчи бор ўтказиладиган «Универсиада» спорт ўйинлари мамлакатимиз ёшларининг кенг қатламини қамраб олиши шубҳасиздир. 2000 йилда Наманганда бўлиб ўтган универсиадада 1778 талаба спортнинг 9 йўналиши бўйича ғолиблик учун курашганди. Бухоро шаҳрида ўтказиладиган «Универсиада—2002»да эса 2368 нафар талаба 12 тур бўйича ғолиблик учун ўзаро беллашадилар. Наманганда ўтказилган универсиада тажрибаси 2001 йилда Пекинда 168 та давлат талабаларининг иштирокидаги ўтган мусобақаларда қўлланилганлиги таҳсинга лойиқдир.

«Универсиада» машъаласи Тошкент вилоятининг Паркент туманидаги «Физика-Қуёш» илмий ишлаб чиқариш марказида ёқилиб, белгиланган йўналиш бўйича Бухоро шаҳрига олиб борилади.

**«Туркистон-пресс».**

# «АЛПОМИШ» СПОРТ МАЖМУИДА

Гулистондаги «Алпомиш» спорт мажмуида таэквандо бўйича Ўзбекистон чемпионати ўтказилди. Унда вилоятлар ва Тошкент шаҳридан икки юз нафардан ортиқ спортчилар иштирок этди.

- Гулистонга мамлакатимизнинг таниқли таэквандочилари, фахрийлар, Ўзбекистон таэквандо миллий уюшмаси фаоллари ташриф буюрди,- деди спортнинг бу тури бўйича Сирдарё вилояти федерацияси раиси М.Умаров. - Улар орасида Европа ва жаҳонда машҳур Алевтина Ким, Рустам Ҳамроев, Шаҳноза Шуҳратжонова, Балабек Казаков ва бошқалар бор. Мазкур турнир айни пайтда саралаш мусобақаси бўлиб, унда июл ойида Мўғулистонда ва август ойида Қозоғистон пойтахти Остонада ўтказиладиган таэквандо бўйича Осиё чемпионати қатнашчилари аниқланади.

Умумжамоа ҳисобида Тошкент вилояти спортчилари ғолиб бўлди. Тошкент шаҳри таэквандочилари иккинчи ўринни эгаллади. Фахрли учинчи ўрин эса Сирдарё вилояти спортчиларига насиб этди.

**(ЎзА).**

# ДОНО СЎЗ ДУНЁ КЕЗАР

*Омон бўл, зафар топ, эй*
*меҳнат аҳли,*
*Сен-ла фахрланса*
*одамзот ҳақли.*
*Сендан эрур жаҳон*
*ободонлиги,*
*Сендан эрур инсон*
*фаровонлиги.*
**Абдураҳмон ЖОМИЙ.**

* * *

*Ким машаққат чекди —*
*топди ғазна ҳам,*
*Ким тиришқоқ бўлди –*
*кўп топди карам.*
**Жалолиддин РУМИЙ.**

* * *

*Ҳар ишдаким инсон*
*кўрсатур ҳиммат,*
*Тикан ҳам гулдаста*
*бўлур оқибат.*
**Саъдий ШЕРОЗИЙ.**

* * *

*Эртага қолмаса бугунги*
*иши,*
*Бу дунёда ғолиб яшар*
*шул киши.*
**Хусрав ДЕҲЛАВИЙ.**

* * *

*Ҳар тирик жон агар*
*қилса ҳаракат,*
*Ҳаракатга қараб топар*
*баракат.*
**Камолиддин БИНОИЙ.**




***«Тошкент» теннис маркази кортларида раҳбар-ходимлар ўртасида ўтказилган анъанавий «Хавас» турнири қизғин баҳсларга бой бўлди. Унинг иштирокчилари орасида хорижий давлатлар элчилари, дипломатик ваколатхоналар вакиллари ҳам бор эди. Яккалик ва жуфтлик баҳсларида куч синашганлар ғалаба учун астойдил ҳаракат қилдилар. «Хавас» турнири теннисга бўлган ихлосу қизиқишимизни янада оширди.***

# АГРАР ФАН ХАБАРНОМАСИ

Тошкент давлат аграр университети ўзининг нашр таҳририятига ҳам эга. Бу эса олий ўқув юрти профессор-ўқитувчилари илмий мақолаларини чоп этиш билан шуғулланиш учун имкон бермоқда.

Университетда «Ўзбекистон аграр фани хабарномаси»ни чиқаришга киришилгани ҳам айни муддао бўлди. Илмий журнал мақомини олган бу нашрда қишлоқ хўжалиги фани тараққиётига доир йирик мақолаларга ҳам кенг ўрин берилади. Бундан ташқари хабарнома саҳифаларида республикамизда аграр фани янгиликлари ҳам мунтазам ёритиб борилади.

*«Ишонч» фош этади*

# ПУЛГА ТУЗОҚ ҚЎЙГАНЛАР

## ёхуд савдо тушумлари банкларга тўлалигича ўтказилмаётгани хусусида

***Зангиота туманидаги Хонобод қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган «Шоҳруҳ Муҳаммад» хусусий корхонасига қарашли автомобилларга ёнилғи қуйиш шоҳобчасида қачон қараманг, машиналар турна қатор тизилиб туради. Уларга қараб навбатчи оператор Радик Дашкиннинг танаси яйрайди. Ҳар биридан 2 литрдан уриб қолса, кечгача бир тоннача бензин йиғилиб қолади-да. Уни пулга чақсангиз...***

Оператор шу хаёллар билан навбатдаги машинага бензин қуя бошлади. Афсуски, у назоратда экан. 25 литр деб қуйилган А-76 русумли ёнилғи қайта ўлчаб кўрилганда, 22,2 литр чиқди. Демак, учар ходим харидор ҳақидан 2,8 литр уриб қолибди. Бу салкам 600 сўм деган гап. Шу ҳолат сабаб бўлиб солиқ хизмати ходимлари кассадаги савдодан тушган нақд пул қолдиғини ҳисоб-китоб қилишга киришдилар: 1 миллион 336,7 минг сўм нақд савдо пули назорат касса машинасидан ўтказилмабди. Ушбу ҳолат юзасидан дарҳол далолатнома тузилиб, қонуний чора кўриш учун туман прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш бўлимига юборилди ва тўпланган материаллар асосида жиноят иши қўзғатилди. Шоҳобчага нисбатан эса нақд пул ҳисоб-китоблари назорат касса машинасисиз амалга оширилганлиги учун энг кам иш ҳақининг 100 баробари миқдорида молиявий жарима қўлланилди. Қинғир йўллар билан топилган даромад шу тариқа қўли эгри Дашкинга ҳам, шоҳобчага ҳам буюрмади.

Қани энди бундай чоралар нафси ҳаккалак отган нопок тижоратчилар кўзини очса, уларни инсоф сари бошласа. Афсуски, пулга тузоқ қўйган кимсалар «қўлга тушмаган ўғри-ўғри эмас» дея бошлари деворга урилмагунча, беш панжани оғизга тиқишда давом этаверадилар.

Ҳам бўйидан, ҳам энидан уришга устаси фаранг бўлиб кетган учар тижоратчилардан яна бири Бўка туманида аниқланди. Туман матлубот ҳиссадорлик жамиятига қарашли 66-дўкон мудири Д.Акбарова 5 килограмм пахта ёғини бир литрлик идишда ўлчаб сотиб, харидор ҳақидан 335 сўм уриб қолгани етмаганидек, савдо пулини назорат касса машинасидан ўтказмади ҳам. Ҳисоблаб қаралганда, шу куни назорат касса машинасидан фойдаланмай 50 минг сўмлик савдо қилинган экан. Бу ерда савдо қоидаси қўпол равишда бузилганлиги учун молиявий жарима қўлланилди. Шундай жазога Оҳангарон тумани «Эйвалек» қўрғонида жойлашган «Ниҳол» фирмаси ҳам «муносиб» кўрилди. Чунки, ўтказилган текширув давомида фирма сотувчиси М.Бердиқулова харидорга савдо хизмати кўрсатиб, унинг ҳақидан 1500 сўм уриб қолганлиги, касса китоби ва ҳисоботи солиштирилганда, жами 157 минг 887 сўмлик савдо пули назорат касса машинасини четлаб ўтганлиги аниқланган эди.

Бундай рейдлар бошқа шаҳар ва туманларда ҳам мунтазам ўтказиб борилаяпти. Яқинда Тошкент тумани солиқчилари кутилмаган ҳолатларнинг устидан чиқиб қолдилар. Тумандаги «Ҳуррият» хусусий фирмасига қарашли дўкон сотувчиси Х.Муротова назорат касса машинасидан фойдаланмай, 4950 сўм савдо қилганлиги сезилгач, солиқчилар касса қолдиғини санаб чиқишга киришдилар. Шунда кассада 19 минг 970 сўм савдо пули ҳамда Қозоғистон Республикасининг миллий валютаси — 242 тенге мавжудлиги аниқланди. Бундан ташқари, корхона билан «Ўзсавдогарбанк»нинг Келес бўлими ўртасида нақд савдо тушумларини инкассация қилиш юзасидан шартнома ҳам тузилмаган экан. Ана энди пулга тузоқ қўйганлар аттанг, деб қолишди.

Ҳамкорликда нақд пул тушумларини банкларга тўлалигича ўтказишнинг қулай йўллари изланмоқда. Белгиланган нақд пул касса тушуми режасининг бажарилишини таъминлаш мақсадида, нақд пулга ишловчи савдо шоҳобчаларида тушаётган тушумлар миқдори кузатиб борилмоқда ва натижа бўйича жойлардаги пул-кредит комиссияларига таклифлар киритилмоқда.

Ўтган ойларда нақд пулга ишловчи 185 та субъект фаолияти кузатилди. Шунда бир кунлик белгиланган касса режасига нисбатан 3 миллион 747,7 минг сўм кўп тушум бўлганлиги аниқланди ва жойлардаги пул-кредит комиссияларига белгиланган касса режасини қайта кўриб чиқиш таклиф этилди. Кўрилган қўшимча чора-тадбирлар туфайли 2002 йилнинг биринчи чораги учун белгиланган касса режаси 119,5 фоизга адо этилди.

Савдо тушумларининг банкларга тўлиқ топширилишини таъминлаш юзасидан саъй-ҳаракатлар давом этмоқда. Бу курашда республика бош прокуратураси ҳузуридаги солиққа оид жиноятларга қарши курашиш Департаменти ва Давлат божхона қўмитаси билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишлар яхши самара бермоқда.

Кейинги ойларда Тошкент вилояти солиқ хизмати ходимлари бошқа назорат қилувчи органлар билан ҳамкорликда акциз маркасисиз тамаки маҳсулотлари ва спиртли ичимликларнинг мамлакатимизга ноқонуний кириб келишининг олдини олишга қаратилган қатор рейд тадбирларини ўтказдилар. Шундай тадбирлар давомида умумий қиймати салкам 3 миллион сўм бўлган спиртли ичимликлар, 2,9 миллион сўмлик тамаки маҳсулотлари қўлга туширилди.

Вазирлар Маҳкамасининг «Аҳоли билан пуллик ҳисоб-китобларни амалга оширишда назорат касса машиналарини мажбурий қўллаш тартиби тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан Фарғона вилоятида олиб борилаётган ишлар ҳам эътиборга лойиқ.

Бугунги кунда Фарғона вилоятида 8801 та савдо ва хизмат кўрсатиш объекти мавжуд бўлиб, улардан 7058 тасида назорат касса машинаси ўрнатилган. Қолганларига уларсиз ишлашга рухсат берилган. Йилнинг биринчи чорагида шу объектларнинг 155 тасида қисқа муддатли текширув ўтказилиб, 69 ҳолатда қоидабузарликларга йўл қўйилганлиги аниқланди ва 54 нафар мансабдор шахсга нисбатан маъмурий жарима қўлланилди, иккита жиноий иш қўзғатилди.

Нақд пул билан ҳисоб-китобни амалга оширувчи хўжалик субъектларида тушумни кўпайтириш юзасидан ўтган ойларда 414 та кузатув (мониторинг) ишлари олиб борилди. Кузатув давомида 400 та савдо шоҳобчасида 16,8 миллион сўм кунлик касса режаси белгиланганлиги, ҳақиқатда эса 19,8 миллион сўм нақд пул тушуми тушганлиги маълум бўлди. Кузатув натижалари юзасидан маҳаллий ҳокимликларнинг пул-кредит сиёсати комиссияларига тақдимнома киритилди. Амалга оширилган чора-тадбирлар туфайли вилоятда эндиликда касса режа кўрсаткичлари ойма-ой бажариб келинмоқда.

Фуқароларнинг даромад манбаларини ўрганиш давомида ўтган ойларда 19 та яширин ишлаб чиқариш цехи фаолиятига чек қўйилди. Улардан 5,1 миллион сўмлик тайёр маҳсулотлар ва ёрдамчи хомашёлар далилий ашё сифатида олиниб, давлат фойдасига мусодара қилинди. Текширув натижалари бўйича қонунбузарларга нисбатан тегишли чоралар кўрилди.

Шундай экан, ҳалол тадбиркорлик учун кенг йўл очилган ҳозирги даврда эгри йўлларни кўзлаш инсофдан эмас.

**Ж.НОСИРОВ.**

ISHONCH
МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Сафар Остонов, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-87-73; Хатлар, реклама ва эълонлар бўлимлари 56-85-43.

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 21.30

Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот қўмитаси томонидан 00005 рақамли гувоҳнома берилган. IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.

Буюртма Г— 432. 1 2 3 4 5 6